O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 28 декабрь, № 252 (4151) Пайшанба



## Ипак толадан сифатли маҳсулот

*Мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилган. Шу боис ҳам ҳамкорликда ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Яқинда Фарғона шаҳрида фойдаланишга топширилган "Silver Silk" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси шулардан биридир.*

*Йилига 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонада дастлабки маҳсулот чиқа бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда тайёрланаётган ипак калавалар сифатлилиги жиҳатидан бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради. Ҳозирданоқ Япония, Италия, Туркия, Польша, Хитой каби ўнлаб хорижий давлатлар "Silver Silk" маҳсулотларига қизиқиш билдиришмоқда.*

*— Корхонамиз лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ишлаб чиқариш замонавий дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилади, — дейди қўшма корхона бош директори Рустамжон Зохиров. — Бизда деярли барча жараёнлар компьютерлаштирилган. Энг муҳими, бу ерда 300 нафар ёшлар иш билан таъминланишди. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.*

**СУРАТДА: ишчи Дилрабо Ҳолназарова.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25 ва 27 декабрь кунлари бўлиб ўтган мажлисида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақидаги ахборот билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ж.Акрамов сўзга чиқди. Лойиҳа концепциясининг муҳокамасида автомобиль йўллари тизимини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Азизовнинг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин муҳокама ўтказилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этдилар. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат атрофлича муҳокама этилиб, депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари



депутатларнинг биринчи ўқишда кўриб чиқишлари учун тақдим этдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг маърузасига биноан депутатлар «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги маромига етказилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин Қонун қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

**(ЎзА).**

*Учинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.*

## Жўқорғи Кенгес сессиясида

Жўқорғи Кенгес Раиси, Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари М. Ерниязов бошқарган ушбу сессияда «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилинди, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг 2007 йил учун мўлжалланган асосий параметрлари тасдиқланди. Шунингдек, «Бандлик» дастурининг ижроси ҳамда «Қўнғирот-Бейнов» қитъалараро автомобиль йўли қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбарининг транспорт-коммуникация воситаларини модернизация қилиш, соҳада ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасидаги ташаббуси ва бевосита йўл-йўриқлари туфайли юртимиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишда бир қанча ижобий ютуқларга эришилмоқда.*



### *Транспорт хизмати:*

## РАВОН ЙЎЛЛАР МАНЗИЛГА ЭЛТАР

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан, хизматлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда тизимда юк ва йўловчи ташиш хавфизлигини таъминлашда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ўрни беқиёс бўлаётир. Бу агентлик Президентимизнинг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги 303-сонли Қарори асосида ўтган даврда республикамизнинг турли ҳудудларида муайян ишларни амалга оширди, тизимда бир қатор янгиликларни жорий этди. Жумладан, агентликнинг Бухоро вилояти филиалида ҳам бу борада қувонарли натижаларга эришилмоқда.

— Мазкур қарорда кўрсатилганидек, 2006 йил 1 июндан бошлаб вилоятимизда автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти асосан юридик шахслар томонидан амалга оширилишига жиддий эътибор беряпмиз, — дейди Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Бухоро вилояти филиали бош директори ўринбосари Шуҳрат Содиқов. — Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида 180 дан ортиқ юридик ва 34 та жисмоний шахсларга лицензиялар ҳамда 4286 дан ортиқ юридик ва 38 та жисмоний шахсларга эса линия варақалари берилди.

Олинган маълумотларга қараганда, агентликнинг Бухоро вилоят филиали томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга эришиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, яъни йўловчи ташувчи ва барча йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаётини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Шу пайтга қадар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар шуғулланиб келишарди, — дейди суҳбатдошимиз. — Аммо ўтган давр мобайнидаги тажриба ва таҳлилларимиз юридик шахслар томонидан амалга оширилган транспорт хизматининг афзаллигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, вилоятимиз аҳолиси ва меҳмонларига асосан юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган сифатли транспорт хизматларини таклиф этмоқдамиз. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, юридик шахсларда автомобилларни таъмирлаш учун шарт-шароитлар ҳамда техник ва тиббий мутахассислар мавжуд. Улар ҳар куни тонгда қатнов олдидан ҳайдовчини тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишади. Хулоса ижобий бўлган ҳолдагина ҳайдовчига белгиланган қатнов учун рухсат берилади. Мавжуд жисмоний шахсларнинг ҳам фаолиятларини чегаралаб қўйганимиз йўқ. Улар юридик шахслар билан ўзаро шартнома имзолаб, кунлик қатнов олдидан юқоридаги хизматларидан фойдаланмоқдалар.

Айни кунларда вилоятда тендер асосида шаҳар ва шаҳарлараро 173 та йўналиш ташкил қилинган. Ушбу йўналишларда 1500 га яқин автобус ва микроавтобуслар ҳаракатланмоқда. Бу борада, айниқса, тегишли мутахассисларнинг аҳолига хавфсиз ва сифатли транспорт хизмати кўрсатишни доимий назорат қилиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Олиб борилган рейдлар давомида тартиббузарларга нисбатан жиддий чоралар кўрилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бундай ҳолларда огоҳлантиришлар кор қилмаган ҳайдовчиларнинг йўналишда юриш варақалари олиб ҳам қўйилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига янада қулайликлар яратиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар вилоят аҳолисини хурсанд қилмоқда. Айниқса, шаҳар ҳокимининг 2006 йил 8 майдаги махсус қарорига асосан, жами 1132 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронига шаҳар ичида ҳаракатланувчи автобус ва микроавтобусларда текин юришлари учун имтиёзли йўл чипталари тарқатилгани кўпчиликни қувонтирди.

— Тўғрисини айтсам, кейинги йилларда шаҳримиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланди, — дейди 67-микроавтобус йўловчиси Феруз Жалилов. — Транспортлар қатновининг оралиғи ҳам жуда яқинлигидан манзилимизга аниқ вақтда етиб бораяпмиз. Тармоқда рақобат кучаяётганлиги сабабли микроавтобусларнинг деярли барчаси ҳавас қиладиган даражада хизмат кўрсатмоқда.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўз» мухбири.**

## Изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар сари муҳим қадам

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини россиялик эксперт ва сиёсатшунослар ҳам кенг шарҳлашаётир.*

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг глобаллашув ва миллий ривожланиш стратегияси масалалари бўйича комиссияси раиси Андраник Миграняннинг фикр билдиришича, Ўзбекистон давлати раҳбари таклиф этган қонун лойиҳаси Ўзбекистонда сиёсий партияларни шакллантириш ва уларнинг аҳамиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинаётганидан далолат беради.

Шунингдек, ушбу ташаббус ижтимоий адолат ва жамиятда кескин табақаланишга йўл қўймаслик муаммоси Ўзбекистон раҳбариятининг доимий диққат марказида турганини тасдиқлайди.

А.Миграняннинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ташкил этилаётган ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгиланган муҳолифатга эга партия тизими манфаатлари бир-бириникидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳларнинг фаолият кўрсатишини назарда тутади. Бундай манфаатлар жамланиб, партия орқали сиёсий соҳага олиб чиқилади.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг қирқ фоизга яқини кичик бизнес жабҳасида шаклланади. Бинобарин, ҳар қандай барқарор жамиятнинг асосини кенг ўрта қатлам ташкил этади. А.Миграняннинг айтишича, шакллантирилаётган партия тузилмаси сиёсий тизимдаги барқарорликни сақлашга интилади. Партиялар ўртасида юзага келадиган зиддиятлар эса муросасизлик ва адоват руҳида кечмайди. Юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар қадриятлар ёки тараққиёт йўлига тегишли бўлмайди, улар муайян аниқ масалани қандай ҳал этиш юзасидан амалий хусусиятларни касб этади.

— Таклиф этилаётган қонун лойиҳалари ва тузатишларда нафақат мухолифатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилгани, балки уларнинг кафолатланганини ҳам муҳимдир, — дейди А.Мигранян. — Мухолифатнинг парламент ичида шакллантирилиши парламент кўпчилигининг бошқаруви мумкин бўлган, бироқ озчиликни босиб қўйиш ёки тугатишга ҳаққи бўлмаган либерал демократиянинг ўзига хос хусусиятидир. Бунда озчилик минбарга чиқиш, ўз қонун лойиҳаларини эълон қилиш имкониятига эга бўлади ва бу билан ўша озчилик бир вақт келиб янги кўпчиликка айланиши мумкинлиги тамойили сақлаб қолинади.

Россиялик экспертнинг баҳолашича, тақдим этилаётган қонун лойиҳалари ва баён қилинган мақсадлар – тўғри йўналишда ҳаракатланишдир. Улар янги сиёсий тизимга, асосий сиёсий қамровнинг бўртиб чиқишига олиб келиши мумкинлиги баробарида у ёки бу партия ортида қандай сиёсий куч тургани тўғрисида ҳам муайян тасаввурни беради.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг янги қонунчилик ташаббуси давлатни изчил ва босқичма-босқич ислоҳ этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди, деди у.

**«Жаҳон» АА**

Москва.

## НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА



Солиқдан енгиллик берилмоқда

*Буни ҳамма биладими?*

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

*Файласуф фикрлари*

ТЎҚИМА АЙБЛОВ

*Журналист суриштируви*

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

**Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд меҳрибонлик уйларида 2950 нафар, маҳаллаларда 5118 нафар 3-15 ёшгача бўлган етим болалар, мурувват уйида 1312 нафар, гўдаклар уйида 722 нафар, SOS маҳалласида 119 нафар бола давлат ғамхўрлигидан баҳраманд.**

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

## ЖАҲОН 24 соат ичида



**Самога космик ракеталар учириш бўйича Россия дунёда етакчилик қилаяпти.** Мамлакат федерал космик агентлиги раҳбарининг билдиришича, космик тадқиқотлар бозорининг 45 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2006 йилда россиялик фазо тадқиқотчилари самога 24 та ракета учиришди. Бу соҳада иккинчи ўринни АҚШ эгаллади.



**Россия ва Белоруссия ўртасида газ масаласи бўйича ўтказилган музокаралар самарасиз якунланди.** «Газпром» вакили Сергей Куприянов янги йилдан мазкур мамлакатга ҳар минг кубометр газ учун нархни 200 доллардан 130 долларга туширди. Бу ҳолатда Белоруссия ҳар минг кубометр газ учун 80 доллардан тўлаши ва қолганига «Газпром» «Белтрансгаз» компаниясининг 50 фоиз акцияларига эгалик қилиши кўзда тутилганди.



**Покистон ҳукумати мамлакатнинг Афғонистон билан чегара ҳудудларини миналаштирилишини ва девор тўсиқлар қурилишини маълум қилди.** Ҳукумат шу йўл билан мамлакатга эркин кириб келаётган жангариларга қарши курашмоқчи. Бироқ, Афғонистон ҳукумати расмий Исломободнинг бу қарорига ўз норозилигини билдирди.



**Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғига яҳудий аҳоли пунктлари барпо этиш дастурини тасдиқлади.** Мамлакат жанубига Ғазо секторидан олтита ракета учирилгандан сўнг бу ҳақдаги хабар эълон қилинди. Ракета ҳужуми оқибатида икки нафар исроиллик бола жароҳатланган. Айни пайтда Исроил тарафи ракета зарбаларига қарши жавоб беришни тўхтатиб турибди.



**Ироқ аппелляцион суди Саддам Ҳусайн устидан чиқарилган ҳукмни ўз кучида қолдирди.** Эндиликда ҳукм мамлакат қонунларига кўра, 30 кун давомида ижро этилиши мумкин. Олий Ироқ трибунали раҳбари Ориф Абдул Раззоқ аш-Шахин ҳукумат собиқ диктаторни қатл этиш кунини белгилаши лозим. Кузатувчиларнинг тахмин қилишича, суднинг қарори мамлакатда шундоқ ҳам авж олаётган зўровонликларни янада жонлантириб юбориши мумкин.



**Миср Президенти мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритиш ташаббуси билан чиқди.** Давлат раҳбари мамлакат парламенти ва маслаҳат кенгаши олдида қилган чиқишида Асосий қонуннинг 34 моддасига ўзгартириш киритиш лозимлигини таъкидлади. Ўзгартишларга мувофиқ президент ваколатлари қисқартирилиб, парламент вазифалари кенгайтирилади.



**Африка Иттифоқи Эфиопия ҳарбий кучларининг Сомалида ўтказаётган махсус амалиётларини қўллаб-қувватлади.** Иттифоқнинг юқори лавозимли вакилининг журналистларга билдиришича, ташкилот мазкур мамлакатда авж олаётган зўровонликларни бартараф этишга қодир эмас, бироқ Эфиопияга таҳдид кучайган пайтда ҳукумат кучларининг бундай хатти-ҳаракатлари тўғридир. Эфиопия бош вазири мамлакат уруш арафасида турганлигини маълум қилди.



**Нигериянинг Лагос шаҳридаги нефть қувурида вужудга келган портлашлар натижасида 200 киши қурбон бўлди.** Бу ҳада Қизил хоч жамиятининг ходимлари хабар беришди. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, портлаш пайтида бир неча юзлаб одамлар қувурни тешиб, идишларга нефть тўлдиришаётганди. Юқори ҳарорат фожиа жойида қутқарув ишлари олиб борилишига халақит бермоқда.



**Эрон парламенти мамлакат ҳукуматига МАГАТЭ билан ҳамкорлик қилишни тақиқлаб қўйди.** Шу орқали Эрон БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан мамлакатга нисбатан қўлланилган иқтисодий санкцияга жавоб бермоқчи. Бундан ташқари, парламент вазирлар маҳкамасига ядро дастури бўйича олиб борилаётган ишларни тезлаштиришга кўрсатма берди.



**Япония шимолидаги илмий-тадқиқот марказларидан биридаги ядро реактори электр узатгичдаги носозлик туфайли вақтинча ўчириб қўйилди.** Марказ раҳбариятининг маълум қилишича, реакторнинг тўхтатилиши атроф-муҳитга жиддий хавф туғдирмайди ҳамда ҳеч қандай радиоктив моддалар тарқалмайди.



**Пентагон Кувайтга янги йилда қўшимча яна 3300 та ҳарбий жўнатишни режалаштирмоқда.** Бу ҳақда АҚШ маъмурияти вакили хабар қилди. Мазкур маълумотни Роберт Гейтс ҳам тасдиқлади. Шу билан бирга Вашингтон айни пайтда ўзининг Ироқдаги сиёсатини ўзгартириш устида бош қотирмоқда. Ҳозирда Жорж Буш махсус комиссия томонидан тақдим этилган 79 та таклифни ўрганиб чиқмоқда. Таъкидлаш кераккi, сўнгги кунларда Ироқда Америка ҳарбийларига ҳужумлар кучайиб бораяпти.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ибратли тажриба



*Таълим муассасалари — боғча, мактаб ва лицейлар ҳудудларини обод этиш, уларни боғ ва гулзорларга айлантириш, шу йўл билан боғчалар тарбияланувчилари, ўқувчилар, педагогик жамоаларни ободончилик ишларига кенг жалб этиш мақсадида Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси йил бошида «Ҳудуди энг кўркам таълим муассасаси» кўрик-танловини эълон қилганди.*

# Гулзор оғушидаги мактаб

Шундан сўнг барча таълим муассасаларида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Мактаблар ҳовлиларидаги бўш жойлар, илгари ташландиқ ҳолда бўлган майдонларга манзарали ва мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказиш ишлари авж олди. Энг муҳими, бу ишда фақат ўқитувчилар эмас, боғча тарбияланувчилари, ўқувчилар ҳам жон-дили билан иштирок этдилар.

Яқинда кўрик-танлов якунланди. Ташкилий қўмита хулосасига кўра, умумтаълим мактаблари ўртасида Самарқанд туманидаги 68 мактаб энг кўркам таълим муассасаси деб топилди.

Ушбу мактаб туманнинг Толиборзум боло маҳалласида жойлашган. Бугун мактабда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларидан барча хурсанд, айниқса, ота-оналарнинг кўнгли тўқ. 2005 йилда мактабнинг 11-синф ўқувчиси Холида Ибодуллаева форс тили бўйича ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Мактабда бир неча йилдан буён фольклор гуруҳи ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. 2003 йилда гуруҳ аъзолари «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни олишга муваффақ бўлишди. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Мактабда спортга ҳам катта эътибор бериб келинаяпти. 2004 йилда мактаб ўқувчилари туман футбол биринчилигида ғолибликни қўлга киритишди.

Мактаб «Ҳудуди энг кўркам таълим муассасаси» кўрик-танловида бекорга ғолиб чиққани йўқ. Ҳовлига киришингиз билан 20 сотих майдонни эгаллаган гулзорни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Атиргул, ромашка, флокс, хризантема каби кўп йиллик ва георгина, астра, бессмертник, гултожихўроз, райҳон, бархатка, номозшомгул, хиногул каби бир йиллик гулларнинг ҳиди димоғингизни қитиқлайди. Бу ерда 30 хилдан ортиқ гуллар парваришланмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаси ҳовлисида 180 туп мевали дарахт, 5000 туп терак ва бошқа манзарали дарахтлар мавжуд. Олма, ўрик, хурмо, анор каби мевали дарахтлар аллақачон ҳосилга кирган. 20 сотих ердаги токдан ҳар йили бир неча тонна узум йиғиштириб олинмоқда.

— Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши, биринчи навбатда ўқувчилар онгида табиатга меҳрни тарбиялашга хизмат қилади, — дейди мактаб директори Раҳматулла Шарифзода. — Буни бизнинг мактабимиз мисолида кўриш мумкин. Танлов эълон қилинганидан ўқувчиларни хабардор этганимиздан сўнг, уларнинг табиатга муносабати мутлақо ўзгарди. Ўқувчилар нафақат гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш билан шуғулланишди, балки яшил табиатни асрашга ҳам алоҳида эътибор бера бошлади. Шундай экан, бу каби хайрли ишларни мамлакат бўйлаб ўтказишни йўлга қўйиш лозим деб ўйлайман. Ўшанда юртимиздаги барча таълим муассасалари ҳақиқий гўшага айланарди.

**Ойсанам ТЎРАҚУЛОВА.**





Бўка туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ўқув қуроллари билан бекаму кўст жиҳозланган фан хоналари ва компьютерлар уларнинг хизматида.

**СУРАТЛАРДА:** ўқитувчи Дилдора Тошбоева информатика ва ЭҲМ дарсини олиб бормоқда; физика ўқитувчиси Меҳриниссо Сатторова (ўртада) лаборатория машғулоти пайтида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

## «Билайн»нинг байрам совғаси

*Россиядаги «Вимпелком» очиқ акциядорлик жамиятининг шўъба корхонаси ҳисобланган «Unitel» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиз ҳудудида «Билайн» савдо маркаси билан уяли алоқа хизмати кўрсатиб келмоқда. Компания Янги йил байрами арафасида Наманганда ҳам ўз қароргоҳини очди.*

Бу компания ва мижозларни бир-бирига яқинлаштиришдан ташқари, хизматнинг қўшимча турларини жорий этиш, уни сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш имкониятини яратди.

Унинг тақдимот маросими хайрия тадбирларига уланиб кетди. Компания вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Дамас» русумли «Тез тиббий ёрдам» автомашинасини совға қилди. Мингбулоқ туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Мақсудахон Саидмуродовага эса ажойиб уяли телефон ҳадя этилди. У мазкур компания хизматидан умрбод бепул фойдаланиш имтиёзини ҳам қўлга киритди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Суддан кейинги ўйлар

# ҚАРОВСИЗ БИНО
## сонга кирганда керак бўлдими?

*Хусусийлаштириш халққа манзурлиги билан ўзини оқлади. Мулк эгасини топганлиги туфайли иқтисодий таназзулга юз тутган кўплаб корхоналар оёққа турди. Қисқаси, бундай ижобий ўзгаришлар тадбиркор, ишбилармонларга имконият яратди. Абдураззоқ Элмуродов ҳам ана шундай мулкдорлардан бири.*

*«Шаҳрисабз вино-ароқ» ҳиссадорлик жамиятига қарашли омборхонадан ўн йилдан буён фойдаланилмай келинарди. Сабаби маҳсулотлар базалар орқали сотиларди. Мижозлар ўз навбатида юкларини автомобиллар ёрдамида ташиб кетишарди. Буни ҳисобга олган жамият бош ҳисобчиси ташландиқ ҳолга келган омборхонани сотиш керак, деган таклиф билан чиқади. Унинг фикрига жамиятнинг таъминот ва тақсимот масалалари бўйича раис ўринбосари, ҳуқуқшуноси ҳам қўшилади. Шундан кейин жамиятдагилар йиғилишиб, бинони «ким ошди» савдоси орқали сотишга қарор қиладилар.*

— Туман газетасида омборхона биноси «ким ошди»га қўйилганини ўқиб қолдим, — дейди А. Элмуродов. — Келгусида халқ истеъмоли молларини олиб келиб сотишга қулай бўлганлиги боис савдода қатнашишга ариза бердим. Омборхонанинг бошланғич нархи 1 миллион 330 минг сўм қилиб белгиланган экан. У Қашқадарё вилояти давлат мулки бошқармаси томонидан 2001 йил 21 январдаги йиғилиш баённомасига асосан савдога қўйилганди. «Ким ошди» савдоси 2001 йил 17 майда бўлиб ўтди. Унда икки киши қатнашдик. Натижада рақибимни енгиб, 1 миллион 900 минг сўмга омборхона биносини сотиб олдим. Барча олди-сотди ишлари қонун асосида амалга оширилди. Аммо жамиятнинг ўша пайтдаги раҳбари иморат арзон сотилган, дея оёқ тираб олди. Орадан пича ўтиб Жамият кузатув Кенгашининг қарори билан яна 777 минг 612 сўм қўшимча пул тўлашимни талаб қилди. Унинг ҳам айтганини қилдим ва 131-сонли кирим ордери билан «Дебитор қарз ундирилди» дея жамият кассасига пулни тўладим.

Шу тариқа «Нилуфар АТ» улгуржи савдо ишлаб чиқариш фирмаси мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 6896-давлат ордери билан мулкни қўлга киритади. Фирма жамоаси Шаҳрисабз шаҳридаги «Ипак йўли» кўчасида жойлашган, улгуржи савдо шохобчаси эгаллаб турган 2021 квадрат метр ер майдонини ҳам 1 миллион 456 минг сўмга сотиб олади. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан юқоридаги жой Элмуродовга хусусийлаштириб берилади.

— Мулкка эга бўлгач, у поезд йўли ёқасида жойлашганлиги боис, унумли фойдаланиш ҳақида бош қотирдим, — дея гапини давом эттиради А. Элмуродов. — Мустақилликдан сўнг биз томонларда ҳам катта-катта иморатлар қурила бошланди. Шунинг учун мамлакатимизнинг йирик заводлари билан шартнома тузиб, қурилиш материалларини олиб келишни йўлга қўйдик. Бу ишимиздан қўшни туманларнинг аҳолиси ва ташкилот раҳбарлари ҳам хурсанд бўлишди. Чунки, биз сотаётган маҳсулотлар анча арзон эди.

Тадбиркор тасарруфига ўтгунга қадар омборхона анча тўкилиб қолганди. Қаровсизлигидан ён-верлари чиқиндихонага айланганди. Ўзи қулаш ҳолида эди. Шу боис Элмуродов бинони таъмирлади. Атрофларини тозалади. Ободончилик ишларини амалга оширди. Йигирма миллион сўмга яқин пул сарфланган омборхона кўзга ташланиб қолди. Ана шундай чоғда Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ҳозирги раиси уни қайтариб олиш ҳаракатига тушади. Орадан олти йил ўтгач, бино ноқонуний сотилган, деган важ билан судга даъво аризаси киритади. Иш 2006 йил 8 ноябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг судьяси Ўроқ Собиров раислигида кўриб чиқилади. Натижада даъво қаноатлантирилади. Омборхона биноси жамият эгалигига қайтарилсин, деган тўхтамга келинади.

— Бизга алам қиладигани, суд ишни бир томонлама кўрди. Даъвогарларнинг оғзаки, асослантирилмаган важларига суяниб хулоса чиқарди. Судда қатнашган жавобгар томон — бизнинг ҳам ҳуқуқимиз борлигини ҳисобга олмади.

Тадбиркор А. Элмуродов куйиб-пишиб гапираркан, яна қўшиб қўяди.

*— Бино нархига нисбатан ўша пайтда амалда бўлган энг юқори коэффициент қўлланилгани, у барча қонунлар асосида сотилгани, бошқарув ҳайъатининг қарори қонуний ўтганлиги, мулк савдога қўйилгани ҳақидаги тартиб бузилмаганлиги жавобгар ва қўшимча жавобгар вакиллари, мутахассислар томонидан исботлаб берилса-да, судья ундан кўз юмди. Яна бир ажабланарли томони бу можарога ечим топиш хўжалик судининг вазифасига киради, чоғи...*

Тадбиркорнинг эътирозларида жон бордай эди. Шу боис ҳолатни ўрганишга киришдик. Маълум бўлишича...

Аёнки, Очиқ турдаги акциядорлик жамияти Кузатув кенгашига жамият раҳбарини тайинлаш, мулкини бошқариш, пай улушларини тақсимлаш, пай улушларининг сотилишини ташкил этиш, фойда (дивидент) нинг ҳисоб-китобини олиб бориш ва уни пайчилар ўртасида тақсимлаш, янги пай аъзоларини киритиш ва пай аъзолигидан чиқариш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Жамиятнинг қабул қилган Устави унинг ички қонуни ҳисобланади ва корхонанинг ўша талаблардан четга чиқишга ҳаққи йўқ. Шунингдек, ташқаридан, ҳатто суд томонидан Уставда кўзда тутилмаган қоидаларни қўллаш қонунни тўғридан-тўғри ноўрин қўллаш деб тан олинади. Қарши туманлараро судининг 2006 йил 8 ноябрь кунидаги чиқарган ҳал қилув қарори шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қонун талабларига тўғри келмайди.

Айтиш жоизки, биринчидан, ушбу низоли иш бўйича даъво муддатини тиклаш мумкин эмас. Фуқаролик процессуал кодексига кўра ушбу турдаги низоли ишларда даъво муддатини тиклаш уч йил этиб белгилаб қўйилган. Иккинчидан, жамиятнинг 2001 йил 21 январдаги бошқарув ҳайъати томонидан қабул қилинган қарори қайси қонун талаблари ва ОТАЖ Уставининг қайси бандларига хилоф эканлиги ҳал қилув қарорида асослантирилмаган.

Шунингдек, суд ОТАЖнинг 2001 йил 17 май кунидаги "Ким ошди савдоси тўғрисида"ги 9-сонли баённомасини тўғридан-тўғри бекор қилишга ҳаққи йўқ. Суд баённомани бекор қилишни жамиятга юклаши, яъни тавсия этиши керак эди. Бу процессуал ҳуқуқ нормалари қўпол равишда бузилди, деганидир.

Бундан ташқари, суднинг ўз қарорида омборхона биноси ОТАЖга қайтарилсин, деган талаби нотўғридир. Чунки, жамият омборхонани ўзига қайтаришни сўраб даъво қўзғатмаган. У Қашқадарё вилояти давлат мулкини бошқариш бошқармаси эгалигида сотувга қўйилган ва унинг сотилишидан манфаатдорлик шу бошқармага тегишлидир. Суд сотилган мулкни акциядорлик жамиятига эмас, ҳужжат бўйича сотилаётган даврда қайси ташкилотга ўтган бўлса, ўша ташкилотга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши керак эди. Маълумки, ҳар қандай кўчмас мулкни сотишдан олдин шу бошқарма ва мулк балансда турган ташкилотнинг олдиндан қўшма қарори чиқарилган бўлади. Бу тартибга мулк сотилиши жараёнида қатъий риоя этилган.

Устига-устак, мулкни сотишда ОТАЖнинг олдиндан чиқарган қарори етарли бўлмайди, балки Республика кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиали ким ошди савдосини ташкил этади ва сотиш билан боғлиқ олди-сотди шартномани расмийлаштиради. Бу талаб омборхонани сотиш ва уни янги мулк эгасига расмийлаштириш пайтида тўғри амалга оширилган.

Яна бир ҳол суднинг эътиборидан четда қолган. Яъни, суд омборхонани сотиш нотўғри амалга оширилган деган хулосага келган бўлсада, Мулк бошқармаси, Биржа ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қилмасдан, ҳолатни текширмасдан, бу икки ташкилот томонидан қабул қилинган қарорни ўрганмасдан, тўғридан-тўғри ОТАЖнинг бошқарув йиғилиши қарорини бекор қилиш ҳақида ўринсиз қарор қабул қилган. Мабодо мулк нотўғри сотилган деган хулосага келинган тақдирда ҳам суд уни Мулк бошқармасига қайтарилиши тўғрисидаги битимга келиши керак эди. Лекин...

Энг асосийси, бинонинг сотилиши натижаси тўғрисидаги акциядорлик жамиятининг баённомаси, яъни қарори бекор қилинсин дейилса-да, суд шу объект сотувга қўйилган пайтгача акциядорлик жамиятининг ва давлат органларининг қабул қилинган барча қарорларига тегишли баҳо бермаган.

Қолаверса, тадбиркор, озми-кўпми, ўша ерда таъмирлаш ишлари олиб борди. Олти йил давомида ўндан ортиқ оилани иш билан таъминлади. Солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб, интизом билан иш тутди. Қаровсиз жойни сонга киритди. Шундай бўлгач, тадбиркорга кўмаклашиш, уни қўллаб-қувватлаш ўрнига йўлига тўсиқ бўлиш инсофданми?!

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:** шу йилнинг 26 декабрида фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судлов ҳайъати А. Элмуродовнинг апелляция шикояти юзасидан холис ва одилона қарор чиқарди. Унга кўра мулк ўз эгаси, тадбиркор Элмуродовга қайтариб берилди...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг барча
фуқароларини муқаддас
Қурбон ҳайити
ҳамда яқинлашиб келаётган
Янги — 2007 йил —
Ижтимоий ҳимоя йили
билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда оилангизга тинчлик-
хотиржамлик ва омад тилайди.
Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.
Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Ўз навбатида турмуш фаровонлигингизни янада оширишда банкнинг «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни тавсия этади.

Бунда сиз:
- ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
- миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
- республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш ва бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

Шу билан бирга банкнинг «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда банк филиалларидан нақд пул олишингиз мумкин.

Оилангиз банки хизматлари
эвазига турмуш фаровонлигингизни оширинг!

TEXACO ЎЗ-ТЕКСАКО ҚК

Ўзбекистон халқини
Янги — 2007 йил билан
чин дилдан табриклайди!

Барчага тинчлик-
хотиржамлик,
фаровонлик, улуғ
мақсадларга
эришишингизда, эзгу
ишларингизда улкан
муваффақиятлар
тилайди!




Тел.: 8 (371) 120-67-76, 144-01-23.   www.uztexaco.uz

«Ўзэлектроаппарат-
Электрошит Самара»
очиқ турдаги акциядорлик жамияти
қўшма корхонаси жамоаси
Ўзбекистон халқини
Янги — 2007 йил
билан самимий муборакбод этади!

Янги йил ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик,
бахт-саодат ва тўкин-сочинлик олиб келсин!

Ниятимиз мамлакатимизнинг жаҳон
ҳамжамиятидаги мавқеи бундан-да ошсин,
уни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин!

# ЛУКОЙЛ
НЕФТЬ КОМПАНИЯСИ

**«ЛУКОЙЛ» компанияси Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади!**

**Барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайди.**



**ЯНГИ — 2007 ЙИЛ БИЛАН!**
**ЛУКОЙЛ**



## МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
BELARUS

*Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали*



**МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ**

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com



## МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

## МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

МАТРИЦАЛИ ПРИНТЕРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер ўтказилиши тартиби ҳақидаги маълумотни ва тендер ҳужжатлари тўпламини ишчи гуруҳидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент ш., Абай к., 4-уй. Телефонлар: 144-97-66, 144-97-45, 144-97-14. Ички телефонлар: 766, 745, 714. Факс: 144-22-96.

Талабгорлардан тендернинг дастлабки квалификацион танловидан ўтиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида, тендер таклифлари 30 кун мобайнида ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.



## MANAGEMENT CONSULTING
**Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш**

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

**Компания мижозлари:**
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz



# «ЎЗПАХТАСАНОАТ» уюшмаси

**Ўзбекистоннинг барча аҳолиси, пахта тозалаш саноати ходимларини**

**Қурбон ҳайити ва Янги — 2007 йил**

**муносабати билан чин кўнгилдан, самимий табриклайди!**



*Сизга эзгулик, омад, саломатлик ва саодат, Ватанимиз — Ўзбекистон гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!*



Азиз юртдошлар,
пойтахтимиз меҳмонлари, ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Кўчмас мулк бозорида
13 йилдан буён етакчилик қилиб келаётган

«РЕСПУБЛИКА
КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ»
ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

дунё мусулмонларининг муборак байрами —
Қурбон ҳайити
ҳамда кириб келаётган
Янги йил айёми
арафасида она-юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни, ҳамкорларимизни, ҳудудий филиал директорларини, биржа ходимлари ва аъзоларини самимий муборакбод этади!

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида диёримиз бугунгидек тинч, оилаларимиз осойишта, ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз янада тўкин бўлсин.

Азизлар! Янги йилни муваффақиятли бошламоқчи бўлсангиз, ҳеч иккиланмасдан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат этинг!

Республика Кўчмас мулк биржаси сизларга марказлашган электрон биржа ҳамда аукцион савдолари орқали давлат ва нодавлат мулкларни сотиб олиш имкониятини яратади.

Азизлар! Кўчмас мулк нафақат кетмас давлат, балки доимий даромад манбаидир.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, 2/4-«Қорақамиш» мавзеси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефонлар: 399-84-48, 399-80-31. Факс: 399-80-26.
Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004.
3746Я/2262

## Мақсад – божхона қонунчилигини такомиллаштириш

*Қашқадарё вилояти божхона бошқармасида Божхона кодекси янги таҳрирининг лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди. Божхона тизими ходимлари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар вакиллари лойиҳани бандма-банд таҳлил қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати туғилганлигини Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият ривожланиб бораётганлиги, давлатимиз билан кўпгина халқаро иқтисодий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги, божхона фаолияти билан боғлиқ янги-янги қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинаётганлиги туфайли Ўзбекистон Республикасининг божхона Кодексига жуда кўплаб ўзгаришлар киритишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам Давлат Божхона қўмитаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда янги Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқди. Унда ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча ҳолатлар ўзининг қонуний ифодасини топган. Жойларда ўтказилаётган муҳокама чоғида билдирилаётган амалий таклифлар лойиҳанинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚУМҚЎРҒОНДАГИ
«СУРХОН КОМБИНАТИ»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ўз юртдошларини
Янги — 2007 йил билан
самимий табриклайди.

Қурилиш-ободонлаштириш ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона 2006 йилги режаларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди.
Қўшимча цехлар ишга туширилиб, бир йилнинг ўзида юздан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.
Ҳар кимнинг эзгу орзулари, кутлуғ ниятлари рўёбга чиқиб, юмушларига унум, ризқ-насибаларига барака ёғилаверсин.
Истиқбол йўлининг бекатлари ҳамиша нурларга тўлиб борсин.
3759Я/20

Осмони мусаффо, дастурхони тўкин юртга тўйлар ярашади. Тўйларга ошлар ярашади. Биз ишлаб чиқараётган пахта ёғидан эса ширин-шакар ошлар пишади!

«ГУЛИСТОН ЭКСТРАКТ ЁҒ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизга
Янги — 2007 йил
кутлуғ келишини
тилайди.





Хонадонлардан тўю-тантана, дастурхонларимиздан паловхонтўра аримасин, биз бунга камарбаста бўлайлик!

Футбол

# «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ» КУЧЛИ ГУРУҲДА

*Маълумки, Осиё қитъасида ҳам миллионлар ўйини футбол жадаллик билан ривожланиб бораяпти. Австралиянинг ОФКга аъзо бўлиши қитъада ўтказиладиган турли мусобақаларнинг янада муросасиз кечишини таъминлаяпти.*



Аввал хабар қилганимиздек, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигаси — 2007 гуруҳ баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлди. Унга кўра, мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» «В» гуруҳидан, кумуш медаль соҳиби «Нефтчи» жамоаси эса «С» гуруҳидан жой олди.

Иккала жамоамизнинг ҳам гуруҳдаги рақиблари кучли. Кейинги босқичга чиқиш осон кечмайди. Бунинг учун фарғоналик футболчилар Ироқнинг «Ан-Нажат», Қатарнинг «Ал-Саад» ҳамда Суриянинг «Ал-Карама», пойтахтликлар эса Эроннинг «Истиқлол», Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» ҳамда Кувайтнинг «Кувайт SK» клублари қаршилигини синдиришлари керак.

**Қуръа натижалари қуйидагича кўриниш олди:**



**«А» гуруҳи**
«Ал-Араби» (Кувайт)
«Ал-Ваҳда» (БАА)
«Ал-Райян» (Қатар)
«Ал-Завра» (Ироқ)

**«В» гуруҳи**
**«Пахтакор» (Ўзбекистон)**
«Кувайт SK» (Кувайт)
«Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони)
«Истиқлол» (Эрон)

**«С» гуруҳи**
«Ал-Карама» (Сурия)
**«Нефтчи» (Ўзбекистон)**
«Ал-Нажат SK» (Ироқ)
«Ал-Саад» (Қатар)

**«D» гуруҳи**
«Ал-Айн» (БАА)
«Ал-Иттиҳод» (Сурия)
«Фулад» (Эрон)
«Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони)

**«Е» гуруҳи**
«Урава Ред Даймондс» (Япония)
«Сидней FK» (Австралия)
«Шанхай Шенхуа» (Хитой)
«Персик Кедири» (Индонезия)

**«F» гуруҳи**
«Бангкок университети FK» (Таиланд)
«Кавасаки Фронтейл» (Япония)
«PS Арема Маланг» (Индонезия)
«Чуннам Драгонс FK» (Корея)

**«G» гуруҳи**
«Аделайде Юнайтед» (Австралия)
«Гач Донг Там Лонг Ан» (Вьетнам)
«Сеонгнам Илва» (Корея)
«Шандонг Луненг Тайшан» (Хитой)

*Гуруҳ ўйинлари келгуси йилнинг 7 март куни бошланади.*

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

танлов савдолари эълон қилади:

| № Лот | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| | **Лот-1-6:** | |
| Лот-1 | Каттақўрғон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар мактаби стадионини капитал реконструкция қилиш | 4 ой |
| Лот-2 | Булунғур тумани, Хўжабачча қишлоғидаги 43-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 4,5 ой |
| Лот-3 | Иштихон тумани, Кангли қишлоғидаги 28-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 5 ой |
| Лот-4 | Пайариқ тумани, Қорабайр қишлоғидаги 7-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4 ой |
| Лот-5 | Ургут тумани, Мулло қишлоғидаги 75-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |
| Лот-6 | Ургут туманидаги 1-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |

**Қурилиш ишлари** Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

| | | |
|---|---|---|
| | **Лот-1-7:** | |
| Лот-1 | Булунғур тумани, Бот-бот қишлоғидаги 19-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 5 ой |
| Лот-2 | Жомбой тумани, Қудуқли қишлоғидаги 29-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 5 ой |
| Лот-3 | Иштихон тумани, Чакар қишлоғидаги 36-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 5 ой |
| Лот-4 | Иштихон тумани, Оққўрғон қишлоғидаги 63-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 4 ой |
| Лот-5 | Қўшработ тумани, Жўш қишлоғидаги 32-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 4 ой |
| Лот-6 | Қўшработ тумани, Саксончўл қишлоғидаги 49-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 4 ой |
| Лот-7 | Нарпай тумани, Меҳржон қўрғонидаги 50-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |

**Қурилиш ишлари** Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

| | | |
|---|---|---|
| | **Лот-1-8:** | |
| Лот-1 | Нарпай тумани, Оғай қўрғонидаги 47-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |
| Лот-2 | Нуробод тумани, Ҳазармали қишлоғидаги 31-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |
| Лот-3 | Нуробод тумани, Уйругул қишлоғидаги 12-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |
| Лот-4 | Нуробод тумани, Қиличли қишлоғидаги 34-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 5 ой |
| Лот-5 | Пайариқ тумани, Чуқур қишлоғидаги 26-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 5 ой |
| Лот-6 | Пастдарғом тумани, Беклар қишлоғидаги 103-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 5 ой |
| Лот-7 | Пастдарғом тумани, Эсабой қишлоғидаги 43-мактабга қўшимча 12,0х24,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 5 ой |
| Лот-8 | Тойлоқ туманидаги 20-мактабга қўшимча 9,0х18,0 м. ўлчамли спорт зали ёрдамчи бинолари билан қурилиши | 4,5 ой |

**Қурилиш ишлари** Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
**Буюртмачи манзили** — Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй. Телефон: (8-3662) 35-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

***Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона.***
***Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.***

*Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ
мамлакатимиз аҳолиси, таълим соҳасида фаолият юритаётган устоз мураббийлар ва барча талабаларни
Янги — 2007 йил
билан чин юракдан табриклайди.




Азиз юртдошлар, Янги йил барчамизга бахт-саодат, хонадонларимизга тинчлик, тўкинлик, Ўзбекистонимизга фаровонлик, юксалиш олиб келсин.

BALTIC BEVERAGES HOLDING AB.
«SARBAST PLUS» ҚК
Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини кириб келаётган 2007 йил билан қутлайди.
Барчага бахт-саодат, соғлиқ, мустақил Ўзбекистоннинг бундан буён янада гуллаб-яшнаши йўлида улкан муваффақиятлар тилайди!

## Маънавият

*Ўзлигимиз, ҳаётимизнинг барқарорлиги, бахтли ҳаёт кечиришимизга хавф солиб турган мафкуравий таҳдидлар бугун турли йўллар ва воситалар орқали мамлакатимизга кириб келмоқда. Булар ахлоқий тизгинсизлик, ўз ҳузур-ҳаловати ва мол-дунё тўплашга муккасидан кетиш, худбинлик, халқ ва юрт манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш каби зарарли кўринишлар сифатида намоён бўлмоқда.*

# КИМДАН ИБРАТ ОЛАМИЗ?



Ваҳоланки, биз маънавияти юксак, қадимий тарихга эга бўлган халқмиз. Буюк аждодларимиз жаҳон илму фанининг тамал тошларини қўйганлар. Санъат аҳли эса маънавият тарғиботчилари ҳисобланишган. Айниқса, ёш авлод уларнинг ортидан эргашади, уларга ўхшашга интилади. Аммо бугун ўзининг зиммасига катта масъулият юкланганини ҳис этмаётган хонандалар, клип усталари ҳам йўқ эмас.

Аввало хонанда қизларимиз андишани бир четга суриб қўйиб, йигитларнинг дил изҳорларини қўшиқ қилиб куйлашяпти:

*Ҳаммадан зўр, бошқачасан,*
*жонгинам...*
*Севгинг, хоҳлайман-ку сени...*
*Қанчалар азоб берасан,*
*Куйдирдинг-ку мени...*
*(Манзура)*

Узоқ масофага юк ташийдиган ҳайдовчиларнинг йўлига нозу карашма билан чиқиб, бир ўзбек қизи айтган қўшиқнинг мазмуни эса қуйидагича:

*Азоблари ширин*
*шўх болани,*
*Чарчатиб, мулойим*
*қип қўяман бўз болани.*

Бундай қўшиқлар жуда ҳам кўпайиб кетди. Яна бир хонанда «Фарғоналик йигитларни кўнгил энди хумор қилар» деб нола қилади. Агар мухлислари «Нима Тошкент, Жиззах, Қашқадарё йигитларидан хафамисиз», деб савол беришса, қандай жавоб қайтараркин.

Навбатдагиси **«Кечалари ёқимли, кечалари ҳузурли»** деб қўшиқ айтяпти, турмушга чиққиси келганми билмайсан. Ё тенгдошларига бошқа нарсани тарғиб қиляптими...

Халқимизнинг ажойиб урф-одатлари бор. Ота-онаси пойгакда, фарзанднинг эса тўрга чиқиб ўтирганини тасаввур қилолмаймиз. Уйлантирмоқчимиз, бирорта қизни кўз остига олганмисан деб сўралса, уялиб опаси, синглиси, борингки, онаси орқали айттиради ўзбек йигити. Аммо асл моҳиятини англамай туриб, урф-одатларимиз устидан кулиш ҳоллари ҳам учраяпти. Гўшанга, қалliққа бориш (қаллиқ ўйин эмас, албатта) каби муқаддас нарсаларга тил теккизишяпти. Қадимда бирорта камбағал йигит пул ишлаб топиб тўй қилолмаса ва орадан бир йил ўтса, ота-оналар ўзаро келишиб кекса бир онахон кузатувида бўлажак куёвга совға-салом олиб келиб қиз кўнглини олиши учун бир-икки соат гаплашишига рухсат беришган. Бу онахонлар шундай қаттиқ пойлоқчилик қилишганки... Бу ҳеч ҳам, баъзилар ўйлаганидек, унаштириб қўйилган қизнинг уйига йигитнинг эшикни тарақлатиб учрашувга келиши эмас. Чунки халқимизда куёв ва келиннинг қайнота ва қайнонасига тўйгача кўринмай юриши одоб белгиси ҳисобланиб, ҳар қандай шароитда ҳам унга қатъий амал қилинган. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳозир ҳам ушбу одатга амал қилишади.

Кимўзарда ютқазишни асло истамайдиган хонанда қизлар битта қўшиқ айтиш давомида ўзларини не маҳомга солишмайди, дейсиз. Ўзбекистоннинг байроғи ҳам, чўлу биёбонлар ҳам, Миср эҳромлари ҳам, қўшиқ мазмунига алоқаси бўлса-бўлмаса, уларнинг хизматида. Баландда ҳам, пастда ҳам, сувда ҳам қўшиқ айтаверадилар. Айниқса, кейингиси ажойиб, хонанда қизларимиз тўшакка ётиб олиб қўшиқ айтишга ўтишяпти, аста-секин раққосалар ҳам бу янгиликни ўзлаштиришса керак... Бу ҳолат миллийлигимизга ёт, ўзлигини, қандай миллат вакили эканини англаб етмаган, адашган ёшларимизнинг алаҳсираши, жазавага тушишидан бошқа нарса эмас.

Хонанда қизларнинг саҳнадаги эркаликларини кўриб мўйлаби сабза урган баъзи йигитчалар «ёндим-куйдим» деб оғзига келганини қўшиқ қилиб айтишяпти. Клиплар ҳам ажойиб, бир қизнинг орқасидан икки йигит юради, аразлайди, авария бўлади.

Унутмайлик, мафкура жаҳон кураш майдонларида олдинги ўринга чиққан бир даврда Н. Умарованинг «Мафкура тарғиботи» мақоласида («Тафаккур» журнали, 2001 йил, 3-сон) таъкидланганидек «Биз томоша қиладиган сериаллардан тортиб, фарзандларимизга айтиб берадиган эртагимизгача, ётиш олдидан ўқийдиган китобимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга, уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз эмас. Франция ўз сиёсатини тушунтиришга йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётибди».

Рекламалар тарғиботи ҳам «ажойиб». Кўп такрорланадиган бир рекламада «бўшман» деган сўз ёзилган эълон тахтасини кўтариб турган йигитча тасвирланади. Бир аёл машинасини тўхтатиб уни олиб кетади. Қанақа қилиб, биз, бир томондан «СПИД» балосига қарши курашсак, иккинчи томондан эса маиший бузуқлик, зинони тарғиб қилсак. Яна Ғарб ҳаёти, ахлоқий тизгинсизликнинг тарғиботи. Шунга ўхшаш ёшларнинг онгига зўрлаб тиқиштирилаётган рекламалар, фильмлар сон-саноқсиз. Бундай ҳолда қандай қилиб оилани мустаҳкамлаш бўйича жамият, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериши мумкин?

Агар шахсда турли ғоявий хуружларга нисбатан мафкуравий иммунитет мавжуд бўлмаса, сувдаги кўпикдек шамол қайси томондан эсса шу томонга ҳаракатланадиган қуролга айланиб қолади. Миллий ғоялар билан етарли даражада қуролланмаганлиги сабабли ҳаракатида, фаолиятида қатъийлик, олға интилиш сезилмайди, аксинча турли оқимларнинг таъсирига тушиш, тартибсизлик ва тутуруқсизлик кўзга ташланади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадики, ахлоқий тизгинсизлик каби зарарли иллатларга қарши курашиш нафақат зиёлиларнинг, балки жамиятнинг ҳар бир онгли аъзосининг муқаддас бурчидир. Мана шу ҳақда ҳар биримиз жиддий ўйлаб кўрайлик.

**Музаффар ЖЎРАЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди.**






# Ёш журналистлар мактаби

«Қашқадарё» газетаси таҳририяти ҳузурида «Журналистик маҳорат маркази» фаолият бошлади. У Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлигида ишлайди.

Марказда ўтказиладиган ўқув машғулотларида вилоятдаги шаҳар ва туман газеталарида ишлайдиган журналистлар ўз малакаларини оширадилар. Шу билан бирга, олий ўқув юртлари, коллежлар, академик лицейларда ўқийдиган журналистикага қизиқиши бор ёшлар учун ҳам махсус машғулотлар ташкил этилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мустафонинг теннисчи қизлари

*Мустафо Халаев кўп йиллардан буён Хатирчи туманидаги 7-ўрта мактабда жисмоний тарбия машғулотларини олиб боради.*

Мустафо аканинг фидойилиги туфайли кейинги йилларда ушбу ўқув даргоҳи ўқувчилари теннис бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Хатирчилик ўқувчилар орасидан етишиб чиққан умидли спортчи ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Афина Олимпиадаси иштирокчиси Манзура Иноятованинг издошлари бугун туманда анча кўпайди. Жорий йил Қаршида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларида ҳам 7-ўрта мактаб ўқувчиси Динора Александрова яхши натижаларга эришди. Айни пайтда эса, Динора ва унинг дугоналаридан Руфина Сайфутдинова ҳамда Гулмира Комилова каби умидли спортчи қизлар устозлари Мустафо Халаев ўтказаётган машғулотларда теннис бўйича маҳоратларини тинимсиз оширмоқдалар.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ,**
**Навоий вилояти.**





*Почта маркаларини тўпловчи ишқибозлар ва филателистлар диққатига!*

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

**томонидан Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари рамзи туширилган почта маркаси ва шу билан бирга почта махсус сўндириш хотира тамғаси ишлаб чиқарилди.**

Ушбу почта маркасининг тақдимоти ва почта махсус сўндириш хотира тамғаси билан маркаларни махсус ҳисобдан чиқариш тадбири 2007 йил 2 январь куни соат 12.00 да «Тошкент почтамти» биносида (Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй) ўтказилади.

**МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги аспирантурага қабул эълон қилади:

**17.00.01 – Театр санъати. 17.00.08 – Маданият назарияси ва тарихи.**
**17.00.03 – Кино санъати. 09.00.04 – Эстетика.**

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент ш., Мирobod тумани, Мироншоҳ к., 123-уй.**
**Телефонлар: 55-88-06, 55-12-49.**

**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**




700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ва Республика қирғиз миллий-маданий маркази жамоалари Андижон вилояти қирғиз миллий-маданий маркази раиси Қодиржон ота Маматовга фарзанди
**Анваржон ҚОДИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Юқори молекулали бирикмалар технологияси кафедраси ўқитувчиси Умида Тожихўжаевага отаси
**Бахтиёрхўжа ТОЖИХЎЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ёшлик» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ва Кузатув кенгаши жамият бошқаруви раиси
**Шкурат Ҳуснутдинович АСАМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий гигиена кафедрасининг собиқ мудири, профессор
**Сайдамин СОЛИХЎЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси, т.ф.н. Ҳаёт Ёқубовга волидаи муҳтарамаси
**ИНОБАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.20 23456